



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 август, № 178 (9073)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Дунё нигоҳи

Янги Ўзбекистон янги тамаддун бешиги бўлишга қодир

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Туркиянинг «Анкасам» таҳлил маркази
директори, профессор.

Бугун Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 34 йиллигини нишонламоқда. Шу билан бирга, тамаддунлар Ватани бўлган ушбу қадим диёрнинг давлатчилиги асрларга дахлдор экани ҳеч кимга сир эмас. Яқинда азим Самарқанднинг ёши 3000 йил деб аниқлангани — тарихий ҳақиқат.

Ўзбекистон бугун ана шу қадим илдишлардан қувват олиб, тараққиёт йўлида олға илдамламоқда. Шубҳасиз, мазкур муваффақият ортидаги энг асосий омил — тарихий давлатчилик шуурига асосланган оқил сиёсат. Бир мамлакатни ўта қисқа фурсатда минтақавий, қолаверса, глобал саҳнага олиб чиқиш мумкинлигини Ўзбекистон мисолида яққол гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу жараён ортида турган киши эса учинчи Ренессансни шийор қилган янги Ўзбекистон бунёдкори жаноб Шавкат Мирзиёевдир.

Президент Шавкат Мирзиёев —
халқдан куч олган етакчи

Ўзбекистонга ҳар сафаримда ҳайратга тушаман: 8-9 йил аввал жаноб Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимият тепасига келиши билан бошланган ислохотлар шамоли тобора жадаллашиб бораётганини кўраман. Энг асосийси, бу янгиланишлар руҳи бугун ҳар бир давлат хизматчиси фаолиятига, ҳатто ҳар бир фуқаронинг онгу шуурига сингиб кетган.

Ўзбекистонда бугун оддий инсонларнинг ҳам кўзида мамлакат етакчиси бошлаб берган янгиланишнинг учқунини кўрасиз. Бу аслида янги Ўзбекистон тараққиётидаги давлат ва халқ бирлиги тамойилининг инъикоси. Зеро, “Инсон қадри учун” деган шийор — Президент Шавкат Мирзиёев сиёсатининг асосини ташкил қилади.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар, меҳнат муҳожириларини қўллаб-қувватлашга мутлақо янгича ёндашув, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари воситасида муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий нозик қатлами бўлган ногиронлиги борлар ва қаровсиз фарзандларга нисбатан ғамхўрликнинг янги модели — мазкур сиёсатнинг амалиётдаги акси. Халқнинг асл орзу-истакларига асосланган ушбу бошқарув ёндашуви давлатнинг кучига куч қўшмоқда, мамлакат тараққиётига янги динамизм бағишламоқда.

Давлат бошқарувида
беназир намуна

Президент Шавкат Мирзиёевнинг хусусияти давлат бошқарувида ҳар бир соҳани бевосита ўз назоратида тутиб, ҳеч кимни лоқайдликка берилишга йўл қўймаслигидир. Сўнгги 9 йилда мамлакатдаги улкан ўзгаришларнинг асосий сабаби ҳам шунда. Янги Ўзбекистон — янгиланган оқил, бағрикенг мамлакат. Дунёнинг бирор бурчагида фойдали янгиллик бўлгани, унинг акс садосини эртаси кунийёқ Ўзбекистонда ҳам кўрасиз. Тошкентни айланар экансиз, ҳар кун бирор янгилликка гувоҳ бўласиз. Тошкентдаги янгилликни Андижонда, Самарқандда, Бухорода ҳам кўрасиз. Қорақалпоғистондаги имкониётлар ҳам ҳеч қаердагидан кам эмаслигини кузатасиз. Очик тан олиб айтаман, баъзи технологиялар ва инновациялар борасида Туркияда кўрмоғаларимни Ўзбекистонда кузатдим. Бу, назаримда, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг ҳар бир соҳадаги ислохотчилик ёндашувининг натижасидир.

АҚШ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Президентининг глобал шерикликлар бўйича махсус вакили Паоло Замполлини қабул қилди.



АҚШ маъмуриятининг юқори мартабали вакили давлатимиз раҳбарига Президент Дональд Трампнинг самимий саломи ва Ўзбекистон мустақиллиги кунини муносабати билан табрикларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари атрафлича кўриб чиқилди.

Турли даражаларда самарали алоқалар давом этаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланмоқда, фаол парламентлараро алмашинувлар амалга оширилмоқда. Утган ойда Конгрессда Ўзбекистон кунини доирасидаги тадбирлар ўтказилди, бу йил кузда Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

АҚШ аъёнавий равишда Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. 2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга кўпайди. Лойиҳалар портфели 11 миллиард доллардан ошган.

Жорий йил июнь ойида ўтказилган Тошкент инвестиция форумида АҚШнинг 100 дан ортиқ етакчи компаниялари иштирок этди.

Минерал ресурслар, авиация, электротехника, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия, инновациялар, таълим ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

«C5+1» формати доирасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Бўлажак мулоқотлар ва қўшма тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЭЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Ватан тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида мувофиқ фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Шукуҳ

Улар орасида илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, аммо бугун орамизда бўлмаган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорлар ҳам бор.

Шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ юртдошларимиз ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди.

Кунини кеча ушбу мукофотлар ўз эгаларига, шунингдек, марҳум ижодкорларнинг фарзандлари ва оила аъзоларига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган тадбирлар доираси-



Сукур

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

МИЛЛИЙ ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ
ЭНГ БУЮК МАҚСАДИ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР
ВА УНИНГ ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери

Бугунги кунда Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи ҳукм сурмоқда. Мустақиллик байрами юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар, миллий тараққиёт ва халқпарвар ислохотларга уйғун ҳолда тантана қилинмоқда. Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини юксак ғурур ва кўтаринки кайфият билан нишонламоқда.

Истиқлолга бағишланган тадбирлар “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғоя асосида ташкил этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур ғоя янги Ўзбекистон тараққиётининг моҳиятини, жаҳон ҳамжамиятида ортиб бораётган обрў-эътиборини, юртимизда кечаётган улкан янгиланишлар ва халқимизнинг умуммиллий интилишларини ёрқин ифодамоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги тўққиз йилдаги кенг қўламли ислохотлар натижасида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манза-

раси тубдан ўзгариб, янги мазмун билан бойимокда. Аҳолининг турмуш даражаси сезиларли даражада ошмоқда. Инсон манфаатлари давлат сиёсатида энг олий қадрият сифатида устувор ўринни эгаллади. Шу асосда Ватанимизнинг ёрқин келажаги учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси миллий истиқлолнинг мустаҳкамлаш, барқарор

иқтисодий тараққиётга эришиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, илм-фан ва маданият ривожини таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришда ҳал қилувчи ўрин тутаяпти.

Халқимиз хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистонни инсон қадри улуғланган ижтимоий давлатга айлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тез ўзгариувчан халқаро кун тартиби, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган геосиёсий реаллик, турли зиддият ва низолар, инқирозлар шароитида мамлакатни барқарор тараққиёт сари бошлаш — жуда катта сиёсий етакчилик маҳоратини талаб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шундай сиёсий лидер сифатида бугун халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлмоқда.



ТОПГАН ТОЖУ ДАВЛАТИНГ АБАДИЙ ПОЙДОР БЎЛСИН

Мен бир шеърлар бошладим — тонлар тонгонтар бўлсин,
Бошлаган ҳар бир шеърим элимга мадор бўлсин,
Топган тожу давлатинг абадий пойдор бўлсин,
Давлатининг қутлашга давлатлар қатор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Тўлиб-тошиб куйласам сел бўлди кўнжларим,
Шеъримнинг дарёсига тор келди соҳилларим,
Жўшқин соғинларимга жўр бўлди сингилларим,
Элим бахтиёр бўлсин, юртим барқарор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Шеърлар айта бошласам авж, баланд пардаларда,
Минг-минг ўғил-қизларим кўзгади парталарда.
Шу жоним садқалар-да, шу жоним садқалар-да!
Янги мактабларингга бор-будим нисор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Мен эски замонлардан айтмайман, деб қасд қилдим,
Ҳам кўҳна армонларга қайтмайман, деб қасд қилдим.
Шу шеъримда мен шу гал шу ишларни лафз қилдим.
Замон — дориламондир, мангу навбаҳор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Бўлар элнинг боласи ўзи маълум бергайдир,
Юз минг ўсмир дастурчи илму улум бергайдир,
Мендай юз минг шоирга бари таълим бергайдир.
Замонангдан айланай, жидду жаҳдинг бор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Гарвардда ўқийсанми ёки Кембриждами,
Яқиндаги хориждами ё йироқ хориждами,
Сайру гаштлар айласанг Пориз ё Фориздами —
Қайда бўласанг ҳам илминг элнинг даркор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Биз шиддатли замонда давронни ўзгартирдик,
Замон бизни, биз эса замонни ўзгартирдик,
Энг аввало биз инсон, инсонни ўзгартирдик,
Ўзгарганинг миллатга гурур бўлсин, ор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Янги Ўзбекистон бу — Ватан танҳо Ватандир,
Инглизча сўйласам гар “New Uzbekistan”дир.
Доврунги бугун бутун оламга тараландир,
Душманларинг абгору дўстларинг бисёр бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Шу давру давронимга мен битсан қасидалар,
Дарров босиб чиқарди чап-чақсон газеталар,
Унча-мунча лашкар ҳам бизларга ҳасад қилар,
Газетким, аскар каби доим тап-тайёр бўлсин,
“Янги Ўзбекистон”га омад доим ёр бўлсин.

Бизда Ватан бошлангай ҳар уй, ҳар хонадондан,
“Отасон”, “Онасон”дан, жондан-да жонажондан.
Токи уруш-низолар кетсин, деб бу жаҳондан,
Тинч бўлсин, деб бу олам сарқору сардор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Трансчегаравийдир бизда эзгу сиёсат,
Салкам қирқ миллаётли халқ шу мақсадга қафолат.
Дунё турғунча турсин шу давлат соғ-саломат,
Топган тожу давлатинг устувор, пойдор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Мухтарам Президент, Жаноби Олийлари,
Сиздан розидир минг-минг ўзбек оилалари.
Шахру кенту қишлоқлар — воҳою водийлари —
Эли кўриб ҳар дилда фахру ифтихор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин.

Сирожиiddин САЙИДИ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ



Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим Алибек Рустамов (Алибек Рустамий);

Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Муҳаммаджон Юсупов (Муҳаммад Юсуф)нинг оила аъзоларига топширди.

Хонадонларга ташриф давомида уларнинг яқинларига Ўзбекистон илм-фани, адабиёти ва маданиятини ривожлантиришга, жамиятда меҳроқибат, адолат ҳамда маънавий юксалиш тамойилларини қарор топтиришга қўшган ҳиссаси учун чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, мукофотланганларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Президентига ушбу улуг зотларнинг меҳнати ва хизматлари юксак баҳолангани, мамлакатимизда авлодлар маданияти ҳамда хотирасига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, 28 август кунин Олий Мажлис Сенатида яна бир гуруҳ юртдошларимизга давлат мукофотларини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг тегишли Фармониغا асосан турли соҳаларда самарали меҳнати, мамлакат тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз фажрий унонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдирланганларга давлат мукофотлари ва тегишли ҳужжатларни топширди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнлари натижасида халқимиз фаровонлиги, юрт равнақи тобора юксалиб бормоқда. Бугунги кунда барча соҳадаги ютуқлар халқимизнинг фаровон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Мукофотланганлар давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва ишончи учун ўз миннатдорликларини ҳамда янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида янада фаоллик билан меҳнат қилишга тайёр эканликларини ҳам билдирди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ТАМАДДУН БЕШИГИ БЎЛИШГА ҚОДИР



Дунё ва янгиликлар билан ҳамнафаслик мамлакатнинг ичида ҳам янги тўлқинни яратяпти. Янги Ўзбекистоннинг янги авлоди бўй кўрсатмоқда. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларининг муваффақиятлари бунинг ёрқин ифодасидир. 2000 нафар ёш муҳандис робот йиғиб, Гиннесснинг рекордлар китобида Ўзбекистон номини қайд этгани, мамлакат ёшлари “ТОП — 500” талқидаги олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллагани — бу соҳадаги ислохотлар самараси, деб биламан.

Мазкур ютуқлар спортда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ёзги Париж Олимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг бутун туркий ва мусулмон мамлакатлари ичида энг яхши натижа кўрсатгани бежиз эмасди. Бу ёзда эса футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Марказий Осиёдан жаҳон чемпионатида чиққан илк жамоа бўлгани эса муваффақиятлар силсиласи асло тасодиф эмаслигини, узоқни кўзлаб бошланган мақсадли ислохотлар натижаси эканини исботлади. Дарвоқе, мазкур спорт мусобақаларидаги ғалабаларда ўта муҳим бир қирра кишини алоҳида таъсирлантирди. Гап ўзбек спортчиларининг зафарларини қўшни мамлакатлардаги ихлосмандлар ҳам катта қувонч билан қаршилагани, Ўзбекистон жамоасига муҳлислик қилгани ҳақида. Бу аслида Шавкат Мирзиёев билан Марказий Осиёга кириб келган мутлақо янги босқичнинг нишонасидир.

Марказий Осиёда янги муҳит

2016 йилда Ўзбекистонда бўлган ўзгаришларни Марказий Осиё тақдири жиҳатидан ҳам бuriлиш нуқтаси, деб ҳисоблай-



ўртасида мавжуд чегаралараро низоларга чек қўйди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзоланган кун — Президент Шавкат Мирзиёев интиланган узоқ йиллик жараёнинг натижаси бўлди. Энг асосийси, бу бoтимага мамлакатларининг ўзи эришди. Ташқи қўлларнинг воситачилигига ҳожаат қолдирилмади.

Ўзбекистон раҳбари чегаралар масаласини ҳал қилиш борабара ишдан ундан ҳам муҳимроқ ишнинг уddасидан чиқди — халқлар онгидаги психологик тўсиқларни бартараф этди. Бугун ўзбек спортчисига қозоқ ва қирғиз ҳам муҳлислик қилмоқда. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон 2031 йилги Осиё кубогини биргаликда ўтказиш учун ариза бергани ҳам Ўзбекистон етакчиси ташаббусининг ширин меваси саналади.

Яна бир гап, Ўзбекистонга келлаётган сайёҳлар сони борасида қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон фуқаролари етакчилик қилмоқда. Яъни чуқурроқ эътибор қаратилса, Марказий Осиёдаги ҳамжиҳатлик Ўзбекистонга каррасига манфаат келтиради. 3 йил аввал бошланган Тошкент халқаро инвестиция форуми аллақачон ўз минтақасидаги “Давос”га айланиб улгурди. Самарқанд тарихида бўлгани каби маданий-маърифий халқаро тадбирлар марказига айлانгани Ўзбекистон лидерининг оқилона сиёсати сабаб Марказий Осиёда яратилган ҳамкорлик ва ҳамжи-

хатлик муҳитининг натижаси эмасми?

Минтақадан жаҳон саҳнаси сари

Ўз минтақасида юксалиб ишончли геосиёсий иштирокчиға айланган Ўзбекистоннинг дипломатия географияси тобора кенгаймоқда. Сўнгги йилларда мамлакат ўзининг яқин ва узоқ хориждаги аънавий шериклари билан алоқаларни мустаҳкамлаш борабариди янги минтақаларга ҳам кириб бормоқда. Уларнинг ичида фаровон ва инвестицияларда катта ҳисса қўшаётган Кўрфаз араб мамлакатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқинда бўлиб ўтган Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи-ни ҳам бу доирада баҳолаш зарур. Республиканинг Узоқ Шарқ мамлакатлари билан алоқаларидаги ривожланиш ҳам эътиборга молик. Қирғизистон орқали Хитойга қурилаётган темир йўл лойиҳаси, яқинда Авазда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон” форматидидаги саммит доирасида “Ўрта коридор”дан самарали фойдаланиш келишуви Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилади.

Бу жараён Евроосиёнинг юраги бўлган Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон-ни Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин халқага айлантириш учун катта имконият яратди.

Инчунин, ўз халқига таяниб, унинг қадимий тарихидан куч олиб, олға интилаётган янги Ўзбекистон тарихида бўлгани каби тақдор янги тамаддун бешиги бўлишга қодир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги муборак бўлсин, Ўзбекистон дунё тургунча турсин!

«Дунё» АА.

Анқара

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ, ТАЪЛИМ ВА ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИКДАГИ ЕТАКЧИЛИК

ЮНЕСКО бош директорининг биринчи ўринбосари Син Цюй Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз халқига ўзининг байрам қутловини йўллади:

Кутлов

— 1 сентябрь — Ўзбекистон мустақиллик кунин байрами муносабати билан ЮНЕСКО бош директори номидан Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллайман.

Бу йил Ўзбекистон учун ҳам, ЮНЕСКО учун ҳам тарихий йил бўлади, чунки ташкилот Бош конференцияси 1985 йилдан бери биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилди.

Ушбу муҳим тадбирни Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистоннинг маданий дипломатия, таълим соҳасидаги ислохотлар ва глобал ҳамкорликдаги етакчи ролининг халқаро миқёсда эътироф этилиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, Бош конференциянинг 43-сессияси олдидан шу йил 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форумини ўтказиш тақлифи учун Ўзбекистондан миннатдоримиз. Ушбу форум иқлим ўзгаришининг ижтимоий оқибатлари ва иқлимга адолатли ўтиш зарурлигини муҳокама қилиш учун муҳим платформа бўлади.

Профессор Шаҳид ТАСЛИМ:

ЁШЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИДАН САБОҚ БЕРАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Жамия Миллия Исломия университети Чет тиллар департаменти раҳбари, профессор Шаҳид Таслим Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан халқимизга ўзининг байрам табрикларини изҳор қилди:

— Мен бутун ўзбек халқини, Ўзбекистондаги барча дўстларимни яқинлашиб келлаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги билан самимий табриклайман. Дунёдаги мураккаб жараёнларга қарамаддан 34 йиллик давр Ўзбекистон учун тараққиёт ва мустаҳкамланиш йиллари бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш жараёни жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборида турибди. Мамлакат географик нуқтаи назардан дунёнинг марказий минтақаларидан бирида жойлашган. Унинг фаол ташқи сиёсати халқаро майдонда эътироф этилмоқда ва хориж давлатлари билан серқирра алоқалар мазмунан бойиб бормоқда.

Жумладан, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Ҳиндистоннинг жуда кўп компаниялари Ўзбекистонда фаолият юритяпти.

Шунингдек, халқларимиз ўртасидаги ўзаро бoрди-кeлди муносабатлари сезиларли тарзда юксалиб бормоқда. Айниқса, туризм, илм-фан, таълим ва бошқа йўналишлардаги ришталар фаоллашаётир.

Университетимиз талабалари бошқа чет тиллар қатори ўзбек тилини ҳам ўрганиш имкониятига эга. Тўрт йиллик ўқув курсларидан кейин биз уларга диплом ва сертификатлар топшираимиз.

Мен 2004 йилдан бери университетимизда талабаларга ўзбек тилидан сабоқ бериб келлаётганимдан мамнунман. Бундан ташқари, бир неча дарслик ёзиш ва лугатлар тузишга ҳам эришдим.

«Дунё» АА.



ма бўлиб, айниқса, ёшларга эътибор беради.

Президент Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО бош директори ўртасида шу йил 12 март кунин Парижда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистоннинг тинчлик, билим ва барқарор ривожланиш тарафдорини эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўз навбатида, ҳукуматингиз ташаббуси билан Рубоб яшаш ва чалиш санъатининг 2024 йил охирида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатиға киритилгани билан табриклайман.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг доимий қўллаб-қувватлашини юксак қадрлайди ва келгусида янада фаол ҳамда самарали ҳамкорликка умид қилади.

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН САРМОЯ

1991 йил мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан расман мустақил давлат сифатида тан олинди ва халқимизнинг ҳаётида мутлақо янги, эркин ва мустақил тараққиёт даври бошланди.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мустақиллик ғоясини мазмунан бойитди. Инсон қадрини, адолат ва қонун устуворлиги каби тамойиллар асосида янги давлат бошқаруви модели шакллантирилди, иқтисодиёт диверсификация қилинди, инфратузилма янгиланди, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими халқаро стандартлар асосида тубдан ислоҳ этилди.

Маълумки, дунёнинг ривожланган давлатлари ўз тараққиётини, биринчи навбатда, таълим тизимини ривожлантириш, замонавий билим ва технологияларни жорий этиш орқали таъминлаган. Ушбу ҳақиқатни англаган жадидлар ҳаракатининг йирик намоёнасиди Абдулла Авлоний “Таълим ё ҳаёт, ё мамот, ё ҳалокат, ё саодат масаласидир”, дея аниқ ифода этган.

Кейинги йилларда амалга оширилган улкан институционал ислохотлар натижасида ушбу тизимда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, олий таълим соҳасида кузатилаётган янгиланишлар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларни рақобатбардош билимлар ва кўникмалар билан таъминлашда муҳим пойдеворга айланмоқда.

Олий таълим муассасалариға молиявий ва академик эркинликлар берилиши, уларнинг мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятини оширди. Талабалар қамрови йил сайин кенгайиб бораётгани, хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар фаол йўлга қўйилаётгани, таълим сифати халқаро стандартлар асосида баҳоланаётгани замонавий билим билан қуролланган янги авлодини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнида қолипда туриб тараққиётга эришиб бўлмайдми. Шунинг



учун ҳам таълим ва фаннинг иқтисодиёт билан узвий интеграцияси устувор вазифаға айланди. Илгари сони кам бўлган, асосан, умумий йўналишда фаолият юритган олий таълим муассасалари ўрнини энди соҳалар бўйича ихтисослаштирилган, технологик ва илмий-инновацион ривожланишни таъминловчи замонавий университетлар эгалламоқда.

Олий таълим муассасалари энди фақат диплом тақдим этувчи ташкилот эмас, балки амалиёт билан чамбарчас боғланган, инновация ва илмий изланишларни рағбатлантирувчи стратегик марказларға айланиб бормоқда. Улар нафақат рақобатбардош кадрларни тайёрлайди, балки интеллектуал маҳсулотлар, илмий ғоялар ва инновацион ечимларнинг манбаиға айланмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим тизими халқаро таълим ҳамжамиятиға тўлиқ интеграциялашмоқда. Хорижий университетлар билан қўшма дастурлар амалиётга жорий қилиниши,

академик мобиллик кенгайиши, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилиши бу жараёнинг амалий ифодасидир. Миллий университетлар халқаро нуфузли ҳамкорларға айланиб, ректорлар форумлари, таълим саммитлари ва академик конференцияларда фаол иштирок этмоқда. Бу эса мамлакатнинг илм-фан соҳасидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мустақил тараққиётнинг мазмунини ҳам айнан шу, яъни ўз ресурсларига, билим ва инновацияга таяна олган жамиятнинг барпо этишдир. Бунинг ёрқин намунасини мактабгача ва олий таълим қамровида ҳам кузатиш мумкин. 2016 йилда 27 фoизини ташкил этган мактабгача таълим қамрови 2024 йилга келиб 76 фoизга етди. Бу эса болаларнинг эрта ривожланиши, уларни замонавий педагогик ёндашувлар асосида тарбиялаш ва таълимга тайёрлаш учун мустаҳкам замин яратди.

Олий таълим қамрови эса 2016 йилдаги 9 фoиздан 2024/2025 ўқув йилига келиб 43 фoизга етди. Бу кўрсаткич нафақат таълим соҳасида, балки умумий маънавий-маърифий муҳитда ҳам улкан ўзгаришлар юз бераётганидан далолат.

Таълим соҳасидаги бу ўзгаришлар мустақилликнинг амалий ифодаси, “Инсон қадрини учун” тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир. Янги Ўзбекистон шароитида таълим энди фақат ички эҳтиёжларни эмас, балки глобал рақобатда муносиб ўрин эгаллашни кўзда тутувчи, келажакни белгилайдиган стратегик воситаға айланмоқда.

Дилбар СУВОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси аъзоси.

Сенатор ва ҳаёт



ЗАРКЕНТДА АНЪАНАВИЙ «УЗУМ САЙЛИ»

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан ҳудудларда байрам тадбирлари кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Паркент туманининг Заркент қишлоғида анъанавий “Узум сайли” фестивали бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Улар тадбир доирасида ташкиллаштирилган кўرғазма ва павильонлар билан танишиб, турли вилоятлардан келган тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан суҳбатлашди.

Жумладан, сенаторлар Маҳмуджон Тоиров ва Малика Қодирхонова тадбиркорларнинг иш фаолияти, маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт салоҳияти, виночилик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ютуқлари билан яқиндан танишди. Уларни қўллаб-қувватлаш, соҳа ривожини унчун зарур ташаббусларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу йирик маданий-иқтисодий тадбирда мамлакатимизнинг 12 та вилоятидан фермер ҳўжаликлари, вино заводлари, табиий ичимликлар, шарбатлар ва

шарбат концентратлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманлари томонидан кўрғазма павильонлари ташкил этилди.

Фестиваль доирасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўрғазма-ярмаркаси, миллий урф-одатлар намоиши, гала-концерт ва маданий дастурлар, илмий-амалий учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, кун давомида миллий либослар кўрғазмиси ҳамда узум ва ундан тайёрланган маҳсулотлар аукционини ташкил қилинди. Ўзбек миллий аънаваларини акс эттирувчи атлас ва адрас матоларидан тайёрланган замонавий либослар кўрғазмиси иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ ЭНГ БУЮК МАҚСАДИ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА УНИНГ ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Турли манфаатлар тўқнашуви шароитида Ўзбекистон Президентининг вазмини, бир вақтинчи ўсида прагматик сиёсати, самарали ва интенсив дипломатик мулоқотлари, юкори суръатдаги фаолияти натижасида мамлакатимиз барча соҳада катта марраларни забт этмоқда. Ижтимоий давлат тамойили асосида бунёдкорлик, ишлаб чиқариш, саноат, инвестиция, таълим каби устувор йўналишларда мунтазам ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда.

Самарали иқтисодий ислохотлар — халқимиз фаровонлигини таъминламоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар барқарор тараққиётнинг мустахкам асосини яратган. Аҳоли фаровонлиги ошмоқда. Шу маънода, тадбиркорлик учун қўлай ва барқарор шарт-шароитлар яратиш, бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш — Президент Шавкат Мирзиёевнинг серқирра фаолиятида устувор йўналишлардан саналади.

Президентимизнинг ҳар йили ишбармонлар билан учрашиб, соҳадаги долзарб масалаларга ечим топиш амалиёти ўз самарасини бермоқда. Шу йил 20 август кунин бўлиб ўтган навбатдаги очиқ мулоқот ҳам хусусий сектор ривожини рағбатлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини янги босқичга кўтармоқда. Алоҳида эътироф этиш керакики, ижтимоий-иқтисодий нуктаи назардан муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқишдан аввал давлат раҳбари, албатта, соҳа вакиллари билан учрашади. Фармон ва қарорлар очиқ мулоқотлар, маслаҳатлашувлар асосида қабул қилинмоқда. Бу мамлакатимиз етакчисининг ўзига ҳок халқчил ва самарадор бошқарув услубидир.

20 август кунини “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон тадбиркорликка оид янги ташаббусларни жадаллик билан ҳаётга татбиқ этиш имкониятини кенгайтирди. Шу маънода, тадбиркорлар учун зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитлар, ташқи иқтисодий фаолиятда қўлайликлар яратиш, туризм соҳасини ривожлантириш дастурини жорий қилиш, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш каби муҳим йўналишларда амалга оширилаётган вазифалар алоҳида қайд этилди.

Президентимиз Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш тақдирини берди. Бу низо-ятда долзарб, бугунги кун учун жуда муҳим тўғридан-тўғри ишлайдиган ягона ҳужжат бўлади. Мазкур қонунни қабул қилишда Қонунчилик палатаси, албатта, фаоллик кўрсатади.

Очиқ мулоқотда кўтарилган долзарб масалалар ва билдирилган ташаббусларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, соҳадаги ҳуқуқий бўлишларини тўлдирши, тадбиркорларни ўйлантираётган масалалар ечимини қонунларда акс эттириш бўйича парламент қўй палатаси томонидан амалга оширилаётган зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва кўмиталаримиз томонидан доимий парламент ва депутатлик назорати ўрнатилди.

Умуман айтганда, очиқ мулоқотда илгари сурилган ғоялар ва тақлифлари, шунингдек, Президентимизнинг Фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш Қонунчилик палатаси фаолиятининг устувор йўналишига айланади. Бу эса иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий парламентаризм тараққиётининг янги даври

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари айнан халқимизнинг хоҳиш-истаги билан йўғун ҳолда амалга оширилаётгани учун ҳам муваффақиятли кечмоқда. 2024 йил 27 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг янги тарихидаги Конституция талабларини асосида бўлиб ўтгани мамлакатимиз парламенти фаолиятида сифат босқичини бошлаб берди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили ноябрь ойидаги янги шакланган парламент палаталарининг мажлисла-ридаги нукталари Қонунчилик палатасига ўзига ҳок ёндашувларни олиб кирди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлида миллий парламентаризм ривожига катта эътибор қаратмоқда. Бу борадаги ташаббуслари демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлисининг ролини янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойидаги янги шакланган парламент палаталарининг мажлисларидаги нукталарининг аҳамияти ва моҳиятидан келиб чиқилиб, мазкур нукт Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома сифатида қабул қилинди.

Ушбу тарихий нукталар парламент аъзоларига тақдим этилган жуда бой ва қим-

матли дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Ҳозирда давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоялар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Янги шакланган Қонунчилик палатасининг ишини ҳар томонлама самарали ташкил қилишнинг барча ҳуқуқий, ташкилий-амалий чора-тадбирлари қўрилди. Сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар фаоллиги ошмоқда. Парламент назорати тобора таъсирчан бўлиб борапти. Қонунчилик палатаси фаолиятига янги амалиётлар жорий этилмоқда.

Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёнини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Жамиятимиздаги долзарб муаммоларга ҳуқуқий ечим топиш, халқчил қонунлар қабул қилиш ва қонун лойиҳаларининг сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилди.

Жумладан, келгуси беш йилда янги қонунлар устида ишлашни белгилаб олиш мақсадида Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг Қўшма қарори билан 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастури қабул қилинди.

“Тез ўзгарувчан халқаро кун тартибини, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган геосиёсий реаллик, турли зиддият ва низолар, инқирозлар шароитида мамлакатини барқарор тараққиёт сари бошлаш — жуда катта сиёсий етакчилик маҳоратини талаб қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шундай сиёсий лидер сифатида бугун халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлмоқда.”

Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўртасидаги ҳамкорликнинг янгича тизими йўлга қўйилди. Унга кўра, тегишли республика иқро этувчи ҳокимият органлари — вазирлиқлар, кўмиталар, агентлиқлар ва инспекциялар қўйи палата кўмиталарига бириктирилди, ушбу масалаларга соҳалар бўйича вазир ўринбосари масъул этиб белгиланди.

Парламентимизда илк бор Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси тузилди. Бу эса юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, ҳар бир кўмита томонидан илмий-тадқиқот муассасалари, таҳлил марказлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари изчил йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича, Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссиялари тузилди. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ фаолият бошлади.

Қонунчилик палатаси ғоялар генератори, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланмоқда. Бунин парламентидаги кўпчиликни ташкил этувчи “Тараққиёт блокин” ҳамда муҳолифат фракцияси тузилгани мисолида ҳам аққол кўришмисиз мумкин. Ушбу амалиётлар парламен-тда сиёсий хилмаҳиллик, масалаларни эркин ва очиқ муҳокама қилиш каби демократик таъминлилар мустаҳкам ўрин эгаллашчини таъминламоқда.

Ўтган даврда қўрилган чоралар натижасида қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайлов округларидаги ишларини янгича шаклда самарали ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлаш, халқаро парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш каби йўналишларидagi ишлари янги босқичга кўтарилди. Миллий парламентаризм тараққиётининг янги даври бошланди.

Ҳаётин ва халқчил қонунларни қабул қилиш — асосий вазифа

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизимни жадал ривожлантиришга, қонун ижодкорлиги жараёнининг сифати билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Қонун ижодкорлиги жараёнин, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши керак”**.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси жуда муҳим. Қонунчилик палатаси фаолиятида мазкур масала устувордир.

Қонун ижодкорлигида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар қабул қилинмоқда.

2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, айни пайтда бу борада фаол саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Қонун лойиҳаларининг сифатини таъминлаш мақсадида 67 та илмий-тадқиқот институти ва таҳлил маркази билан меморандум имзоланиб, ҳамкорлик режалари тасдиқланди.

Ташаббускор субъектлар томонидан қонунлар лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби янада тақомиллаштирилди. Бунда қонун лойиҳаларини қўйи палатага киритишда қонун лойиҳасининг ва халқаро шартнома матнининг ҳуқуқий экспертизаси натижа-

лари ҳамда қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси ва жамоатчилик муҳокамаси натижаларини тақдим этишга доир талаблар белгиланди.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектига ўзи киритган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар Қонунчилик палатасига тақлиф киритиш орқали уни қақриб олиш ҳуқуқи берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатаси томонидан жами 61 та қонун (86 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) ҳамда маъмурий-ҳудудий тўзилишга оид 1 та қарор қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Таққослайдиган бўлсак, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 48 тани ташкил этган.

Бутун бир соҳани тартибга солувчи ҳажм жиҳатдан катта бўлган қатор яхлит қонунлар кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини, “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги,

“Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги, “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Жумладан, “Кредит аҳбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан жисмоний шахсларнинг уларнинг ҳабарисиз кредит битимларини тузиш учун жавобгарлик белгиланди. Янги жисмоний шахслар ўзлари билан кредит битимларини тузишга доир тақик белгиллаш ва уни олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлди.

“Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қўлай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан аҳолига видеоқонференцалоқа режимида ўтказиладиган суд мажлисларида мобил видеоқонференцалоқа тизиминида фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш имконияти яратилди.

“Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан пенсия ёшига тўлган фуқароларга уларнинг мурожаатсиз автоматик тарзда (“проактив”) ёшга доир пенсия тайинланадиган бўлди.

Бугун норма ижодкорлигини амалга оширишда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда.

Янги таркибдаги Қонунчилик палатаси иш бошлаши билан фракциялар ўз партияларининг сайловолди дастурларида белгиланган ташаббусларни амалга оширишга фаол киритди. Улар бу мақсадларни қонун лойиҳалари орқали ҳаётга татбиқ этишга аҳамият қаратмоқда.

Масалан, “Адолат” СДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан “Аҳолининг маданий ҳордик ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан сайлгоҳ, хиёбон, боғ ва даракторлар ҳамда улар жойлашган ерларни хусусийлаштиришни таққиллаш, шунингдек, бу ҳудудларда бино ва иншоотлар қурилишини чеклаш орқали ушбу масканлар муҳофазасини кучайтириш чоралари белгиланди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳар томонлама кучайтирилиши ва тақомиллаштириб борилиши — муҳим жараён. Бу даврининг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, халқчил ҳамда амалиётда самарали ва тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилик палатаси айни мана шу таъминлини асосий мезон сифатида белгилаб олган.

Парламентнинг таъсирчан назорати натижа бермоқда

Президентимиз олдинги қақриққ давридаги тор доирали парламент назоратини энди кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлигини таққидлаган эди.

Шу боис фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири — иқро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга масъуллик билан ёндашилмоқда. Бунда парламентга берилган ваколатлардан самарали фойдаланилмоқда.

Қайд этиш керак, парламент назоратининг энг муҳим йўналишларидан бири мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати —

Давлат бюджетининг самарали бажарилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишидир.

Ўтган даврда Қонунчилик палатасининг Давлат бюджетни иқросини назорат қилиш механизмлари янада кучайтирилди. Хусусан, ҳукуматнинг Давлат бюджетига доир барча ҳисоботини қўйи палатага фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит ҳулосаси билан биргаликда киритиш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Қонунчилик палатаси кўмиталарида ҳар олти ойда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилиши юзасидан вазирлиқлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари, ҳар чорак якунида Солиқ, Божхона кўмиталари ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджетни доирмадлари прогнозининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш йўлга қўйилди.

Ушбу амалиёт Давлат бюджетни иқросини назорат қилишда кўмиталарнинг ролини янада оширишга, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ҳаракатлари устидан парламент назоратини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджетни, давлат дастурларни иқроси бўйича ҳисоботларини, ҳукумат аъзолигига номзодларини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, “Ҳукумат соати” институти каби муҳим демократик амалиётлар парламент ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бу сайловчилар томонидан кўтарилаётган долзарб масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳборотини кўриб чиқиш, одамларни ўйлантираётган муаммолар бўйича депутатларнинг саволларига ҳукумат аъзоларининг жавобини эшитиш, давлат органлари раҳбарларига парламент ва депутат сўровларини юбориш сингари парламент назоратининг таъсирчан шакллари орқали амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатаси кўмиталари мажлисларида 17 та вазирлик, 4 та агентлик, 4 та кўмита ҳамда 3 та ташкилотнинг мақсадли индикаторлари бажарилиши ҳолати ҳақидаги аҳборотлари эшитилди.

Палата мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш — “Ҳукумат соати” институти имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Ўтган вақт мобайнида 4 мартаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда ҳукуматнинг 4 нафар аъзоси депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Қонунчилик палатасидаги сиёсий

“Ҳозирда давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоялар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Янги шакланган Қонунчилик палатасининг ишини ҳар томонлама самарали ташкил қилишнинг барча ҳуқуқий, ташкилий-амалий чора-тадбирлари қўриди. Сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар фаоллиги ошмоқда. Парламент назорати тобора таъсирчан бўлиб борапти. Қонунчилик палатаси фаолиятига янги амалиётлар жорий этилмоқда.”

партиялар фракциялари, кўмиталар, умуман, депутатлар корпуси томонидан парламент назоратининг барча таъсирчан шаклидан унумли фойдаланилгани иқро ҳокимиятининг қонунлар ва қонуноти ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиши устидан таъсирчан назорат олиб боришга ёрдам берди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли соҳаларида учраётган масалаларга ечим топишда парламентнинг ролини янада оширишга хизмат қиломоқда.

Халқ ишончини оқлаш — энг муҳим мезон

Мамлакатимиз Президенти **“Депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир”** деб алоҳида таъқидлаган эди.

Президентимизнинг ушбу эътирофи депутатлар корпусидан янада катта масъулият билан ишлашни, халқимиз ва давлатимиз манфаатларини таъминлаш борасида ташаббускор бўлишни таққозо этади.

Депутатларнинг аҳоли билан доимий мулоқоти учун Қонунчилик палатаси барча ташкилини чора-тадбирларни кўрмоқда. Натижада сайловчиларнинг тақлифлари бевосита тингланаяпти. Бу тақлифлар қонун лойиҳаларида акс этмоқда. Муаммолар тизими хал бўлмоқда.

Ягона сайлов округи бўйича сиёсий партиялар рўйхати асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг ҳудудлардаги фаолиятини ташкил этиш Концепциясига мувофиқ, сиёсий партиялар рўйхати асосида (пропорционал) сайланган депутатлар ҳудудларга бириктирилиб, уларнинг сайловчилар билан узвий мулоқоти йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатасининг мажоритар тизим асосида сайланган депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини ҳамда сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишнинг ҳам ҳуқуқий асослари яратилган ва бу борадаги амалиёт самарали йўлга қўйилган.

Қабул қилинган ҳужжатларда депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти-

ни тубдан яхшилаш, мулоқотлар мунтазамлигига эришиш, қонунларни қабул қилишда жамоатчилик ва сайловчиларнинг кенг иштирокчини таъминлаш, ислохотлар натижадорлиги ва аҳолини қўйнаётган масалаларни ҳал этишда сиёсий партиялар фракцияларининг иштирокчини, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган ишларни янгича шакларда йўлга қўйиш бўйича зарур вазифалар белгилаб олинди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятлари давомида Қонунчилик палатасида ўтказилиши режалаштирилган парламент назорати тадбирларида кўриб чиқиладиган масалаларни атрофлича ўрганиб, жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Бу парламент назорати тадбирларининг самарадорлигини таъминламоқда.

Фракциялар томонидан партиявий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, аниқ йўналишларни белгилаб олган ҳолда жойларда ўрганишлар олиб борилади. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, фермерлик ва кластерлар фаолиятини тақомиллаштириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, сифатли ижтимоий, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш, чиқиндиларни бошқариш, атмосфера ҳавоси тозаллигини сақлаш, энергия тежамкор кўёш панелларини ўрнатиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинди.

Қонунчилик палатасининг Регламенти-га мувофиқ, депутатлар ўз сайловчилари билан яқиндан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга ечим топиш мақсадида ҳар ойнинг охирида ҳафта сайлов округларига чиқишлари ташкил этилди.

Президентимизнинг 5 март кунин бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги дастурий нуктида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, депутатлар бу муаммога қарши курашишда ҳам тобора фаол бўлмоқда. Соҳа ва тармоқларда маъмурий-бюрократик тўсиқларни ҳамда коррупциявий омилларни аниқлаш, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан республиканинг барча ҳудудида назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳолати, ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш ва профилактикасини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги ишлар депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Жойлардаги ўрганишлар давомида коррупцияга қарши курашиш борасида аниқланган мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини ҳал этиш ва қонунчиликни янада тақомиллаштириш мақсадида депутатлар томонидан 8 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз сайловчилари билан яқиндан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга ечим топиш мақсадида жами 5 мартаба сайлов округларида бўлдилар.

Сайлов округларида олиб бориладган фаолияти давомида депутатлар томонидан жами 17 мингта яқин объектлар ўрганилди, 2 мингдан ортиқ маҳаллаларда очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Депутатлар ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда, фуқароларнинг қабулларини ўтказди. Уларда 11 мингдан зиёд фуқаролар қамраб олинди. Бугун депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламдор ислохотларнинг фаол иштирокчиси ва тарғиботчиси бўлмоқда.

Очиқ парламент: замонавий ёндашув, шаффофлик ва жамоатчилик муҳокамалари

Амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар норма ижодкорлиги фаолиятига ҳам замонавий ёндашув ва мутлақо янгича мазмун-моҳият олиб кирди.

Бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатдан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдири эса давлатимиз раҳбари илгари сурган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва сўнгги тўққиз йилда амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлардан иборатдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар депутатлар корпусидан янада фаол бўлишни, ўз фаолиятига янгича руҳ ва мазмун-моҳият олиб киришни таққозо эта

Барча ислохотларимиз негизида, энг аввало, инсон қадр, тадбиркорларимизнинг манфаатлари мужассам. Шу боис суд мустақиллигини таъминлаш бўйича қатъий сиёсат олиб борамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир.

Шу муносабат билан мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги олдида

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017 — 2025 йилларда Олий суд томонидан 280 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 65 дан зиёд қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида суд тизими тубдан такомиллаштирилди.

Бу ҳужжатлар билан “Инсон қадр, инсон ҳуқуқлари” ҳимояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қиммати-нинг самарали ҳимоясига йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришилмоқда.

Шу орқали халқимиз, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, “Янги Ўзбекистонда — янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, соҳага илгор халқроқ мезонларни жорий этиш чоралари қўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинуви яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб қатнашиш имкониятларини кенгайтириш вазифалари қўйилган эди.

2023 — 2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда судларни рақамлаштириш ишлари халқроқ стандартларга мувофиқлаштирилмоқда. Судларда ишларни қўриб чиқишда адолатли, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими жорий этилди.

Судьялар ўртасида ишларни инсон омилсиз, автоматик равишда тақсимлаш, судларга электрон мурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувда қайд этиб бориш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш каби замонавий ёндашувлар натижасида одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

Хозирда судларнинг ахборот тизими билан вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида маълумотларни электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилиб, улар билан маълумотлар алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Олий суднинг Интернетив хизматлар портали ишга туширилиб, у орқали фуқароларга 49 турдаги интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда. Унда жисмоний ва юридик шахслар учун судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, суд харажатларини электрон тарзда тўлаш, қонуний қучга кирган суд қарорлари билан танишиш, ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд қақурув қорозини электрон олиш, суд мажлиси ҳақда билан онлайн танишиб бориш, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлисларида мобил видеоконференцалока тизими орқали иштирок этиш каби интерфаол хизматлар жорий қилинди.

Айни пайтда судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик тайёрлаш ва суд амалиётини таҳлил қилиш йўнали-

шида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар қўрилмоқда.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор

Суд ишларини юритишда янги институтлар киритилганлиги судлар учун муҳим ислохотлар сифатида ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, жиноят иши юритишда инсонпарварлик тамойиллари асосида “Хабеас корпус” институтини янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2025 йил 1 январдан тергов судьялари институти миллий амалиётга жорий қилинди.

Тергов судьяси институтининг амалиётга жорий этилиши тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, судлар фаолияти самарадорлигини оширишга, жиноят ишларини қўришда одил судлов сифатини юксалтиришга замин яратмоқда.

Айни пайтда суд-тергов жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳимоя қили-



нишини таъминлаш бўйича ҳам тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, электрон (рақамли) далил тушунасини киритиш, электрон далилларни аниқлаш, тўплаш, тақдим қилиш, текшириш, баҳо бериш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ҳамда бу жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга оид масалалар назарда тутилган.

Давлат органлари қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга ошириш таъминлаш маъмурий судлов фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини фуқаролардан олдиндан ундирмасдан, ушбу божни ишни қўриб чиқиш натижаларига қўра айбдор тарафдан ундириш тартиби белгиланиб, давлат бож ставкаси БҲМнинг 70 фоизи миқдориде пасайтирилди. Бунгача давлат бож ставкаси БҲМнинг 1 бараварида бўлган.

Амалга оширилган ислохот туфайли аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибиде ҳимоя қилинишини таъминлашга тўсиқ сифатида қўрилган давлат бож мурожаат вақтида тўлашни бекор қилинди.

Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайишига замин яратди.

Ислохот натижасида 2025 йилнинг



биринчи ярмида маъмурий судларга фуқаролар томонидан берилган 5 621 та аризадан олдиндан тўлашни лозим бўлган 1 млрд. сўм давлат бож индирилмаган ҳолда, кейинчалик иш натижаси бўйича пасайтирилган ставкада 694,6 млн. сўм ундирилган.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоясига айлантириш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишнинг халқроқ стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Концепцияда илгор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, янги тахрирдаги Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиб, даъво турлари аниқ белгилан, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжат бўлган ишончли ҳимоя қилишда етказилган зарарни ундириш тарти-



бини белгилан, ҳуқуқни бузилган фуқаро — аризачининг хоҳишига қўра экстерриториал судловга тегишлилик механизмизми жорий этиш назарда тутилди.

Бугунги кунда тузилган Идоралараро комиссия томонидан кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Тадбиркорлар манфаатини қўллаб-қувватлашда исчи сиёсат

Президентимизнинг шу йил 20 август қуни тадбиркорлар билан бўлган очик мулоқотда “Эндиликда тадбиркорлар иқтисодий ва маъмурий судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиши мумкин бўлади” деган сўзлари тадбиркорлар манфаатини қўллаб-қувватлашда исчи сиёсат олиб борилаётганининг исботидир.

Ислохотлар самараси ўлароқ, ҳусусий мўлка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини невосита ёки билвосита еклашни базосида тўғувчи, мўлки муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсиқ бўлувчи тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Хусусан, ер участкалари бўйича ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, шунингдек, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш амалиётига чек қўйилди. Ушбу ҳужжатлар эндиликда фақат суд томонидан бекор этилиши ёки ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 21 август қуни имзо-

ланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг исчи давоми сифатида судлар учун тарихий ҳужжат бўлиб кирди.

Маъмур Фармон “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шори остида ўтиши белгиланган Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида халқимиз учун, Ватанимиз истиқболи учун инсон ҳуқуқларини рўйбга чиқариш борасида тўхфа бўлди.

Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологиялар, хусусан, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этиш назарда тутилган.

Ушбу технологиялар бюрократик тўсиқларни камайтириш, айниқса, сунъий интеллектга асосланган “акли” технотизимлар орқали аризаларни электрон тарзда қабул қилиш, ҳужжатларни автоматлаштирилган тарзда қўриб чиқиш ва суд қарорларининг шаффофлиги таъминланади.

Суд ишларини юритишда қороз шаклидан воз келиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, жорий йил якунига қадар тахриба тарикасида Тошкент шаҳрида барча рақамли имконияти ўзиде муҳассам этган замонавий суд заллари ташкил қилинади. Тахриба натижалари асосида концепция 2026-2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларида татбиқ этилади.

Бундан ташқари, фуқаролар ва тадбиркорларга қўлайликлар яратиш ҳамда суд ишларини қўришни соддалаштириш мақсадида мурожаатлар судга фақатгина электрон шаклда юборилади, бу билан фуқаролар ва тадбиркорлар судга ариза ёки даъво аризасини қороз шаклида суд девонхонасига шахсан бориб топшириш тартибларига барҳам берилади.

Яна бир муҳим қўлайлик — ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига атайлаб бормайди ва суд муҳокамаларида масофадан туриб қатнашади, суд харажатлари электрон шаклда ҳисобланади ва тўланади. Бу янги тартиб тизимда коррупция ҳолатларини кескин камайтиришга ёрдам беради.

Энг муҳим янгилик, бу — тарафлар судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланган харажатларни шакллантириш йўллариини ўрганиб, суд иши бошланмасдан олдин унинг тахминий натижасини билиш имконияти яратилмоқда.

Бундан ташқари, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилди, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланади. Суд ҳужжатлари лойиҳалари ҳам автоматик шакллантирилади.

Истиқболдаги режалар ижроси — муҳим дастур

Фармон билан суд соҳасини рақамлаштиришнинг истиқболдаги режалари белгиланиб, 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланди. Унга қўра:

— 2025 йил 1 декабрдан бошлаб фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш;

— 2025 йил якунига қадар суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш махсус ахборот дастурини яратиш;

— 2026 йил 1 январдан бошлаб “my.sud.uz” интерфаол хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модули жорий этилади, бунда сунъий интеллект асо-

сида ишлайдиган виртуал маслаҳатчини яратиш, ҳуқуқий мурожаатларга жавоб бериш ҳамда суд маълумотларини автоматик етказиш;

— 2026 йил 1 мартдан бошлаб фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки суд маълумотларини фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш;

— 2026 йил якунига қадар фуқароларга одил судловга эришишда қўлай имкониятлар яратиш мақсадида 5 та янги интерфаол хизматни йўлга қўйиш, шунингдек, суднинг ахборот тизимидаги “Шахсий кабинет” платформасининг фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологияларига асосланган ва янада қўлай бўлган янги версиясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Иқтисодий судлар тизимини оптималлаштириш мақсадида, 2026 йил 1 январдан бошлаб туманларо, туман, шаҳар иқтисодий судлари тугатилади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида туманларо иқтисодий судлар ташкил этилади.

Шунингдек, судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган жарималарни онлайн кузатиш, уларнинг тўлов муддатлари ҳақида огоҳлантириш ва тўловларни электрон амалга ошириш имконини берувчи мобил дастур ишлаб чиқилди.

Судда қатнашувчи шахслардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш чоралари қўрилади.

Фармонда судларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда судьялар ва суд ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунга қўра, 2025 — 2030 йилларда суд биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Янги суд биноларини қуришда ва мавжудларини мукамал таъмирлашда “Рақамли суд” концепцияси асосида суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қўлай ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш белгиланди.

Судлар фаолияти очиклигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва суд ҳодимлари ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилмоқда, судлар чикрган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда ёритиб боришмоқда.

Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR марказ) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиклигини ошириш йўлида қўрилган муҳим чора бўлди.

Суд муҳоамаси ошқоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси кенгайишига имкон яратди ва ўз навбатида, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда судга нисбатан жамият ишончини мустаҳкамлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқроқ майдонда суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг нуфузи ошишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қўлайликлар яратиш ҳамда суд ишларини қўришни соддалаштириш мақсадида, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, рақамлаштириш ишларини исчи давом эттириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, шунингдек, “Рақамли суд” концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш олдимизда турган муҳим вазифалардир.

Бахтиёр ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.

Байрам тўхфаси

«Ташаббусли бюджет»: эзгу мақсадлар ижобати

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон туманида янгидан қурилган ҳамда мукамал таъмирдан чиқарилган қатор ижтимоий объектлар ишга туширилмоқда.



Айни жараёнда “Товуш” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган 29-умумтаълим мактаби учун қуриб битказилган 120 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу таълим муассасасида 700 га яқин келажагимиз ворислари таълим-тарбия олади. Шу тариқа билим даргоҳидаги ўқувчилар сиғими билан боғлиқ кўп йиллик муаммо бартараф этилди.

“Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 75-оилавий поликлиниканинг қайтадан реконструкция қилинган замонавий биноси иш бошлагани эса маҳалла аҳли учун байрамга муносиб тўхфа бўлди. Туман фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган очилиш маросимида шифо масканида яратилган замонавий шароитлар барчани беҳад мамнун этди. Бирламчи тиббиёт муассасасида 23 минг нафардан зиёд аҳолига малакали хизмат кўрсатиш учун барча қўлайлик мўҳайё қилинган.

Эътиборлиси, “Товуш” ва “Шодлик” МФЙдаги ушбу бинолар қурилишида маҳалла аҳли жонбозлик кўрсатиб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлганди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Маҳалла идораси энди янги бинода

Истиқлолнинг 34 йиллик байрами арафасида Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги “Меҳнатобод”, “Олмазор”, “Файзобод” ва “Моҳият” маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.



— Янги бинода фаолиятимизни давом эттириб, аҳоли муаммоларини хал этиш, жиноятчиликни камайтириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишда янада самарали ишлаймиз, — дейди “Олмазор” МФЙ раиси Улуғбек Маматмўминов. — Энди бизда барча шароит бор, асосий мақсадимиз одамлар ҳаётини янада яхшилашдир.

Туман ҳокимлиги кўмаги билан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган янги биноларда “Маҳалла етилиги” таркибидеги ҳар бир соҳа вакилига алоҳида хоналар ажратилган. Хоналар компьютер жамламаси ва мебеллар билан таъминланган.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Замонавий боғча — кичкинтойлар ихтиёрида

Янгикўрган туманидаги Гулистон маҳалласида 44-давлат мактабгача таълим ташкилоти учун тикланган ҳашаматли бино кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналарига байрам совғаси бўлди. 3,5 млрд. сўм маблағ эвазига барпо этилган иншоотда болажонларнинг намунали таълим ва тарбия олиши учун барча шароит мўҳайё қилинган.



— Яқин вақтгача мослаштирилган бинода ишлаб келдик, — дейди ДМТТ мудири Нилуфар Аманбаева. — Энди имкониятларимиз кенгайди. Икки қаватли ва етарлича хоналарга эга бу гўшада машғулотларни талаблар даражасида ташкил этиш орқали фаолиятимизни юқори босқичга кўтарамиз. Кичкинтойларимиз сони ҳам ортиб 160 нафарга етди. Энди янги бинода истиқлолнинг 34 йиллиги санаси ва катта гуруҳни мактабга кузатиш тантаналарини ўтказамиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хорижий давлатлар оғир юкли транспортларининг Ўзбекистон худуди бўйлаб юриши учун тўловлар миқдори камайтирилди.

КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК

Кейинги йиллар юртимиз ташқи сиёсати учун самарали ва фаол кечди. Айниқса, минтақавий ижобий ўзгаришларга эришишда ташқи сиёсатдаги изчиллик, ҳар қандай шароитда давлат манфаатини ҳимоя қилиш стратегияси, очиклик туфайли халқаро аҳамиятга эга амалий натижаларга эришилди. Дунё давлатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар давом эттирилди.

Нуктаи назар

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига кўра, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг 25-26 август кунлари давлат таширифи билан юртимизда бўлиши ҳам Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ташқи сиёсатининг ёрқин тасдиғи бўлди. Конструктив, очик ва ишончли мулоқот чоғида иқтисодиёт ва сармоядан тортиб, фан, таълим ва туризмгача бўлган асосий йўналишларни қамраб олган икки томонлама 15 та ҳужжат имзоланди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор виза тартибини бекор қилиш ва мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди, бу эса ишбилармонлик ва маданий алоқалар учун янги уфқларни очди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилди. Мазкур ташириф икки томонлама муносабатлар тарихида илк олий даражадаги ташириф бўлиб, мулоқотнинг янги моделига ўтиш рамизи саналади. Геосиёсий нуктаи назардан, ташириф Ўзбекистон учун Яқин Шарқдаги ва ислом оламидаги мавқеини мустаҳкамловчи, янги бозорларга чиқиш йўлидаги қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Подшоҳ Абдулла II нинг таширифиغاча Ўзбекистон — Иордания иқтисодий алоқалари камтарона эди. Бирок сўнгги йиллар парадигма ўзгариши билан тавсифланади. Ҳар икки томон ҳам муносабатларга тизимли хусусият беришга интиломда, иқтисодий ва гуманитар имкониятларнинг бир-бирини тўлдиришига таянмоқда. Иордания етакчисининг таширифи ўзаро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш тенденциясининг мантиқий давоми бўлди. Ташириф доирасида имзоланган муҳим ҳужжатлар тўплами мунтазам мулоқот, сиёсий-ҳуқуқий позицияларни мувофиқлаштириш, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар яратиш, янги савдо каналларини очиш, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун институционал асос

бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон — Иордания муносабатларини узоқ муддатли стратегик ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташириф доирасида Ўзбекистон Президенти Иорданиянинг “Ан-Наҳда” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу Иордания томонидан кўп қиррали шериклиқни кенгайтиришга қаратилган савий-ҳаракатларга ҳурмат ва эътирофдан далолат беради. Энг асосийси, давлатимиз раҳбарининг Иордания олий мукофотида лойиқ кўрилиши Президентимизнинг мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш борасидаги ислохотлари, минтақа ва халқаро майдонда очиклик, прагматизм ва конструктивлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ташаббусларининг эътирофи ҳам бўлди.

Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга тарихий таширифи ва самарали музокаралар натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги шериклик даражасига кўтарилди. Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги аниқлаш дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани билан бир қаторда икки мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиялари ўхшаш. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо кўрсаткичларини каррасига қўпайтириш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёр. Кимё ва тўқимачилик соноати, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, геология, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, туризм ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга келишиб олинган бу иттилоқларнинг яққол тасдиғидир. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашини ишга тушириб, жорий йил якунигача уларнинг илк йўналишларини ўтказиш таклифи билдирилгани, етакчи компаниялар ва ишлаб чиқарувчилар иштирокида Ўзбекистон — Иордания бизнес форумининг ўтказилиши бизнес доиралари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади.

Маданий, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар қўшма маданият ҳафтиликлари, концертлар, экспозиция ва кўргазмалар ўтказиш орқали янада фаоллаштирилгани бўлди. Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга эга бўлиб, бугунги



кунда янги босқичга кўтарилмоқда. Шу нуктаи назардан, умумий маънавий меросни биргаликда ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, икки мамлакат исломшунослик марказлари ва институтлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, Ўзбекистон ва Иордания исломий цивилизациянинг муҳим марказлари сифатида халқаро майдонда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Тарихан Тошкент ислом илм-фани, маданияти ва таълимнинг йил-маркази бўлиб келган. Бунинг яққол далили сифатида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино каби буюк олимларнинг номлари келтириш мумкин. Аммон эса, ўз навбатида, муқаддас жойларнинг ҳимоячиси ва динлараро мулоқот маркази сифатида танилган, аъёнлар билан замонавий технологиялар ва иқтисодий тараққиётнинг уйғунлиги таъминлинишда муваффақиятли фаолият олиб боришмоқда. Иккала давлат ҳам ўз минтақаларида барқарорлик ва ривожланиш жараёнларини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳамкорлиги минтақавий интеграция ҳамда ҳамжихатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу нуктаи назардан, томонларнинг баррикенинг ва маърифатли ислом ғояларини биргаликда илгари сурш зарурлиги ҳақида яқдил фикрга келганлари бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари Подшоҳ Абдулла II ташаббуси билан бундан ўн йил олдин бошланган “Ақаба жараёни” ташаббусини юқори баҳолаб, ушбу муҳим ташаббуснинг навбатдаги йўналишларидан бирини Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф этди. “Ақаба жараёни” ташаббуси — бу терроризмга қарши курашга қаратилган халқаро форум бўлиб, мақсад дунё бўйлаб терроризм ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, фикр алмашиш, таъриба ўртоқлашиш ва терроризмга қарши кураш стратегияларини ишлаб чиқишни кўзлайтириш. Асосий эътибор Африка, Осиё ва Яқин Шарқдаги терроризмга қарши курашга қаратилган. Ўтказилиш жойи сифатида, асосан, Иорданиянинг Ақаба шаҳри танлангани боис ташаббус “Ақаба жараёни” деб аталади.

Муҳими, мазкур ташаббус халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши курашдаги савий-ҳаракатларини бирлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Яқин Шарқнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан, Иордания Ўзбекистон раҳбариятининг Фаластин масаласидаги конструктив позициясини, мамлакатнинг инсонпарварлик ташаббусларини, минтақада тинчлик ўрнатишга бўлган самимий истагини юксак қадрламоқда. Аънамага кўра, Яқин Шарқ дипломатиясида муҳим роль ўйнайдиган Иордания Ўзбекистонни минтақавий можароларни адолатли ҳал этишга қўмаклашишда ишончли ҳамкор, деб билади.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланаётган. Иордания фармацевтика ва кимё соноати, тўқимачилик, шунингдек, ўғитлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кучли саноат салоҳиятига эга. Мамлакат фосфат ва калий захиралари билан машхур бўлиб, уларнинг экспорти иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтириш, фитосанитария ва карантин йўналишларида хорижий давлатлар билан таъриба алмашиш, чорвачилик, ветеринария ва рақамлаштириш борасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича самарали ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов Иордания қишлоқ хўжалиги вазири Сааб Абдел Ҳалеем Хресат билан учрашувда машхур “Аваси” қўй зотини мамлакатимизга олиб келиш ва уни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, юртимизда турли чорва молларини етиштириш ҳамда уларни Иорданияга етказиб бериш иштиқболлари белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистондан гилос, майиз ва бошқа маҳсулотларни Иорданияга экспорт қилиш, у ердан эса хурмо, зайтун ва зайтун мойини мамлакатимизга олиб кириш имкониятлари белгилаб олинди. Қурғоқчиликка чидамли навларни маҳаллий-

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, Иордания Подшоҳининг таширифи икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада фаоллаштириш, ўзаро ишончли мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга, иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, савдо айланишини кўпайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни кучайтириш, таълим, фан, туризм ва бошқа соҳалардаги алмашинуви кенгайтиришга ёрдам беради. Иккала давлатнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, шериклиқнинг янги йўналишларини белгиллашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлашга, иқтисодий ва инвестициявий жозибадорлигини оширишга имкон беради.

Муҳиддин ПҲЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори.

Эхтиром ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Хоразм вилоятининг Бобоғ туманида 108 ёшни қаршилаган табаррук онахон Назиба момо Галимова умргузаронлик қилади. Ёшлик йиллари урушининг оғир синовлари, очарчилик ҳамда қатагон даврига тўғри келган онахон юртимиздаги тўқин-сочинлик қадрига етиш ҳақида тўлқинланиб сўзлайди, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга шукрона айтади. Ушбу хонадондан табаррук ёшдаги момонинг дуосини олиш учун йўқлаб келувчиларнинг қадами узилмайди.

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрами онахон учун қўшалок шодиёнага айланди. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги муносиб хизматлари учун Назиба Галимова “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Байрам арафасида вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов онахоннинг хонадонига бўлиб, унга давлат мукофотини топширди.

— Президентимизнинг бундай эътиборидан бошим қўкка етди, — дейди Назиба момо. — Бугун юртимиздаги улкан ўзгаришларни, биз кексалар учун яратилаётган шароитларни кўриб шу кунларга етказганига шукрона айтаман. Эл-юрт ардоғида яшаётганимдан, шундай саодатли кунларни кўриш насиб этганидан бахтиёрман. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин!

Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).

Табаррук ёшдаги бекёёш хизматлари эътироф этилиб, давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида Нарпай тумани “Телақўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 103 ёшли Хатича момо Гаданова ҳам бор. Бу онахон кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали ишлаган. Умри мобайнида фарзандларига, ёшларга ҳалол меҳнат қилишни ўқитиб келган ва ўргатган.

Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев онахон яшаётган хонадонда бўлиб, Хатича Гадановани истиқлол байрами билан қутлади ва “Шуҳрат” медалини унинг қўқсига тақиб қўйди.

Хатича момо кекса авлод вақиларига кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, элимиз дастурхони тўқин, фарзандларимиз бахтли бўлишини тилади.

Абдулазиз ЙЎЛДШОВЕВ
(«Халқ сўзи»).

Реклама

«ASIA TRANS GAS» MCHJ QK:

O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING 34 YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN TANTANALI BAYRAM

Bugungi kunda O'zbekiston va Xitoy o'rtasidagi munosabatlar strategik sheriklik darajasiga ko'tarilgan. Ikki davlat turli sohalarda – energetika va transportdan tortib, sanoat va yuqori texnologiyalargacha bo'lgan yirik qo'shma loyihalarni muvaffaqiyatli amalga oshirmoqda.

Ko'plab loyihalar orasida “Asia Trans Gas” MCHJ qo'shma korxonasi faoliyati alohida o'rin tutadi. U ikki mamlakatning boy tajribasi va ilg'or texnologiyalarini o'zida mujassam etgan muvaffaqiyatli hamkorlikning yorqin namunasidir. “Asia Trans Gas” MCHJ QK o'z faoliyatini tufayli energetika infratuzilmasini mustahkamlash, yangi ish o'rinlari yaratish, aholi turmush sifatini yaxshilash, O'zbekiston va Xitoy o'rtasidagi hamjihatlik va ishonchni mustahkamlashga salmoqli hissa qo'shmoqda.

26 avgust kuni “Asia Trans Gas” MCHJ

QK bosh ofisida O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 34 yilligiga bag'ishtangan yorqin va unutilmas tantana bo'lib o'tdi. Bu kun nafaqat bayram tadbiriga, balki milliy an'analarga hurmat, jamoa ahilligi va xalqlar do'stligining haqiqiy ramziga aylandi.

Mehmonlarni tongdanoq karnay-surnaylarning ulug'vor sadolari kutib oldi. Ularning teran va tantanali sadolari ko'tarinki ruh muhitini yaratib, barchani Vatani uchun shodlik va iftixorni baham ko'rishga chorlagan-deb bo'ldi.



“Asia Trans Gas” MCHJ QK bosh direktori Lyu Chijun o'zining tantanali nutqida ta'kidladi:

“Ushbu tantanali va quvonchli kunda korxonamiz nomidan eng samimiy bayram tabriklarini bildirishga ijozat bergaysiz! O'zbekiston Respublikasi mustaqilligi kuni bilan barchangizni chin qalbm-dan muborakbod etaman! O'ttiz to'rt yillik mustaqil taraqqiyot davomida O'zbekiston davlati qurilishi, iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyot yo'lidagi ajoyib muvaffaqiyatlarga erishdi. Bunday qulay sharoitlarda biz barchamiz birgalikda “Asia Trans Gas” izchil rivojlanib, yanada mustahkamlanib borishini ta'minlash uchun harakat qilmoqdamiz. Bugungi yutuqlar nafaqat butun jamoaning mashhaqqatli mehnati samarasi, balki Xitoy va O'zbekiston o'rtasidagi mustahkam do'stlikning yorqin dalilidir. Ishonch bilan aytish mumkinki, qo'shma korxonamiz va biz amalga o'shirayotgan loyihalar Xitoy — O'zbekiston hamkorligining namunasini bo'lib, madaniyatlararo do'stona munosabatlarining o'ziga xos jozibasini yaqqol namoyon etadi”.

Bayram dasturidan xalq musiqasi, an'anaviy raqslar, milliy hunarmandchilik namunalari o'rin oldi. Korxonaning turli millat vakillaridan iborat jamoasi qiziqarli konsert chiqishlarini tayyorladi.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist, doira ustasi Abbos Qosimovning chiqishlari bayramning haqiqiy bezagiga aylandi. Uning dunyoga mashhur ijrosi o'zining teranligi va go'zalligi bilan to'moshabinlarni maftun etdi, doira sadolari esa o'ziga xos bayramona kayfiyat bag'ishladi.

Tandirida soms tayyorlash bo'yicha o'tkazilgan mahorat darsi o'ziga xos zavq uyg'otdi. Ishitirokchilar nafaqat ushbu taomni tayyorlash jarayonini ko'rish, balki o'zlarini somsapaz sifatida ham sinab ko'rish imkoniga ega bo'ldi. “O'zbek oshxonasi — xalqning mehmoldo'stligi, saxovatpeshaligini aks ettiruvchi



boyiligimizdir. Bugun biz uni hamkasblarimiz va do'stlarimiz bilan baham ko'rmoqdamiz”, deb ta'kidladi mahorat darsi ishtirokchilaridan biri Nargiza Abutalipova.

Usta-hunarmand mahsulotlari ko'rgazmasi mehmonlarda katta qiziqish uyg'otdi. Ustalar bayramga qo'lda bezaatilgan sopol idishlar — kosa va choynaklar, ikat va adrasdan milliy liboslar, yog'ochdan yasalgan lavlar, milliy naqshli so'zana, qo'lda yasalgan turli qo'g'irchoqlar, bosh kiyimlar olib keldilar. Ustalarining bu mahsulotlari O'zbekistonning chuqur madaniy ildizlari va boy merosining yorqin dalili bo'ldi. Ko'rgazmadagi har bir buyum o'ziga xos bo'lib, usta-hunarmandlar bilan uchrashtirish esa ularning san'ati bilan yaqindan tanishish imkonini berdi.

An'angasi ko'ra, bayramning kulminatsion nuqtasi mehmonlarda xusheta'm bayram palov tortig'i bo'ldi. “Palov nafaqat taom, balki turli avlod va millat vakillari bir dasturxon atrofida to'plangan birdamlik va do'stlik timsolidir”, deb o'z taassurotlari bilan ATG xodimi Abdubakir Musaboyev o'rtog'lashdi.

Mustaqillik kuni o'zbek xalqi uchun muqaddas bo'lib, uning erk, rivojlanish va taraqqiyotga intilishi ifodasidir. Qo'shma korxona bosh direktori Lyu Chijun O'zbekiston bilan Xitoyning energetika sohasidagi hamkorligi



strategik sheriklik va o'zaro ishonchning yorqin namunasi ekanini alohida ta'kidladi.

Bugungi kunda “Asia Trans Gas” MCHJ QK kabi korxonalar yirik loyihalarni amalga oshirish bilan birga, mamlakatimizni modernizatsiya qilish, yangi ish o'rinlari



yaratish, O'zbekistonning xalqaro nufuzini mustahkamlashga ham salmoqli hissa qo'shmoqda.

Bayram yuqori kayfiyatda yakunlanib, mehmonlarda yorqin taassurotlar qoldirdi. Mustaqillik bayrami nafaqat umumxalq bayrami, balki insonlar qalbi-bi birlashtiruvchi, yangi marralar sari ilhomlantiradigan, yorug' kelajakka ishonchni mustahkamlaydigan ulug' tuyg' uchun ekanligini yana bir bor isbotladi.

«Asia Trans Gas» MCHJ QK.

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ЙИЛ ТУРНАЛАРИ

Ҳар йили 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланиши, аждодларимиз хотирланиши, Қуръон тиловат этилиб, улар ҳақида дуо қилинишида чуқур маъно бор. Мустабид тузум даврида юртимизда минг-минглаб одамлар қатагонга учраган. Оилалари хонавайрон бўлиб, болалари етим қолган.

Мустақиллик даврида 1920 — 1930 йилларда НКВД жазо органининг қатлгоҳи бўлган — Тошкент шахрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида қаровсиз, файзсиз бўлиб ётган жойлар “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, деб аталган мукaddас бир зиёратгоҳга айланди. Бу маскан ўзининг алоҳида, мудҳиш воқеалардан дарак берувчи тарихига эга. 1937-1938 йиллардаги “катта қирғин”да айнан шу жойларда 6 мингдан зиёд миллатимиз оқидинлари “халқ душмани” тамғаси билан отиб ташланган.

Аксиланқилобий фаолиятга қарши тарғиботда айбланган тинч аҳолини отиш бўйича махфий операциялар Тошкентдаги унча махсус объект ҳудудида амалга оширилган. Биринчиси Юнусобод туманида, ҳозирги “Тошкент” телеминорасига яқин жойда бўлган. Иккинчи объект — ҳозирги Абразов заводи ўрнида. Учинчи махсус объект халқ ичида “Алаести кўприк” деб аталган кўприк атрофидаги пастқам жойларда бўлган. Шу ерда кейинчалик “Шахидлар хотираси” мемориал мажмуаси қурилган.

1950-йиллар бошларида Тошкентнинг Юнусобод тумани ҳудудида қурилиш ишлари бошланган. Ушанда отиб ташланган кишиларнинг жасадлари топилиган. Улар атрофдаги маҳаллаларнинг бир неча фаоллари томонидан юк машинасига ортилиб, тун қоронғисидда яширинча яқиндаги Оқилота қабристонига дафн қилинган. Қабристон гўркови Аҳмад Юсупов оиласи хавфсизлигини ўйлаб ҳаётлигида қўрққанидан бу воқеани ҳеч кимга айтиб бермаган. Айнан шунинг учун жасадлар кўмилган аниқ жой номаълумлигича қолган. Қабристонга кираверишда улар учун рамзий қабр тоши ўрнатилган. Ўзбекистондаги “катта қирғин”нинг энг дахшатли санаси бўлган 4 октябрда музейимиз жамоаси қабристондаги мазкур рамзий қабр зиёратига бўлиб, хотира тадбирини ўтказиш аниқанга айланган.

1938 йилнинг машъум кузиди миллатимизнинг Фитрат, Ҷўлпон, Абдулла Қодирийдек энг сара зиёлилари, Ғози Олим Юнусов, Қайом Рамазон, Отажон Хошимов, Маждид Қодиров, Зиё Саидов каби адабиётшунос олимлар, биринчи ўзбек кинорежиссёри ва фотографи Худойберган Девонов, Саттор Жаббор, Султон Мақтул, Баҳовуддин Амин каби Германия олий мактабларини битириб Ватанга Европанинг илм-фан, техника ютуқларини жорий этишга бел боғлаган йигитлар, Турғунпўлот Қирғизов, Мирқомил Миршаропов каби ўзбек миллий армиясининг илк зобитлари, умуман, фан, адабиёт, санъат дарғалари, ҳукумат ва жамоат арбоблари бўлган минглаб қаҳрамонларимиз маҳв этилган. Улар 1938 йилнинг 4 октябрида шошилиш қатл қилинган. Воқеанинг энг дахшатли жиҳати, бу жабрдоийдаларга ҳукм 5 октябрь санаси билан чиқарилган.

Истиқлол туфайли қатагон қурбонларини номма-ном аниқлаш, Ватан, эл-юрт, авлодлари олдида уларни оқлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида Республика комиссияси тузилди.

“Шахидлар хотираси” жамоат фонди ташкил этилди. Кўплаб нодир ҳужжатлар, тарихий манбалар тўпланиб, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи яратилди. Дастлаб комиссия аъзоларига архивлар устида ишлаш осон бўлмади. Бир кун ишлаб, иккинчи кун тергов матнларида улар аъзоси бўлмаган аксиланқилобий ташкилотларга аъзо бўлгансан, деб сиқувга олганлари, хунрезлик билан қўл кўйдириганда кўз ёшларининг доғлари қолиб кетган ҳужжатлар устида кўнгли бўшаб, ишловмасдан уэр сураб кетган зиёлилар ҳам кўп. Музей ва “Шахидлар хотираси” жамоат фонди илмий ходимлари учунгина республика архивларида, хусусан, ДХХ архивида изланишлар олиб бориш ваколати сақланиб қолди. Давлат музейи Вазирлар Маҳкамаси тасаруфига ўтказилган, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги



13 та олий таълим муассасаси тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди. Давлат раҳбарининг 2024 йил 19 июлдаги “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”-ги қарорига биноан ҳудудларда тегишли мутахассислардан иборат илмий-ишчи гуруҳлар тузилди. Уларга махсус архивларда ишлаш учун рухсатномалар берилди. Республика бўйича яна 11230 нафар қатагон қурбонининг номи аниқланди. Бу инсонлар орасида сургун қилинган ўзбек зиёлиларининг аёллари ҳам бўлиб, улар ҳеч қандай далил-исботсиз қамоққа олиниб, Қарағандадаги (Шимолий Қозғистон) “АЛЖИР” (Акмолинский лагерь жён изменников родины) лагерига юборилган. Масалан, қатагон қурбони Ғани Исҳоқовнинг рафиқаси Мақсуда Исҳоқова, икти-содчи Насриддин Шерахмедовнинг аёли Маҳфуза Шерахмедова, Ўзбекистоннинг Москвадаги ваколатли вакили Муҳиддин Турсунхўжаевнинг турмуш ўртоғи Зухра Турсунхўжаева каби миллатимиз

“Музей мутасаддилари томонидан Бош прокуратура ва Олий судга ёзилган аризалар натижасида Олий суд томонидан 2021 йилдан буйён 1220 нафар қатагон қурбонининг номи оқланди. Улар орасида ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, татар, форс, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, рус ва бошқа миллат вакиллари бор.”

икки нафар ўзбек қизи: Марям Султонмуродова ва Хайринисо Маждидхонова ҳам илм олиб, Ватанида ўзгаришлар қилиш ниятида Европага ўқишга йўл олади. Хайринисо Тошкентда зиёлилар кўчасида яшаган. Унинг отаси зиёли бўлгани сабаб Мунаввар қори Абдурашидхонов очган жадид мактабидида саводи чиқади. У Германияда дастлаб техникумда, кейин университетда тиббиёт ва болалар педагогикаси йўналишларида таҳсил олади. Унинг отаси: “Эзилган миллатлар, қоронғиликда қолган юртини келгусида чин билим билан ёритмоқ учун бу йил хорижга кетган талабалар орасида қизим Хайринисо ҳам бор эди. Билим учун узоқ элларга биринчи ўзбек қизини юбориш шарафиди, шуқрлар бўлсунки, менга насиб бўлмиш”, деб хурсанд бўлган

аёллари ана шундай азоб-укубатларга гирифторм қилинган. Уларнинг гуноҳи қатагон қурбони бўлган турмуш ўртоқлари “айбини тегишли ташкилотлардан яширганлиги” эди.

У даврда ўзбек қизлари бошқа давлат тугул, қўшни маҳаллаларга ҳам деярли бормаган. Шундай даврда Германияга ўқишга юборилган 70 нафар талаба орасида

эди. Эндигина Европада ўқиб қайтган Хайринисо Маждидхонова 1937 йил 13 сентябрда НКВД томонидан қамоққа олинади. Германиядан олиб келган ҳамма материаллари ёқиб юборилади. Ёндирилган китоблар орасида тиббиётга оид кўлёрзмалар билан бирга Ғёте, Шиллернинг немис тилидаги китоблари ҳам бўлган. Тергов бир йилдан ортиқ давом этиб, 1938 йил 9 октябрда Хайринисо Маждидхонова олий жазо — отувга ҳукм қилинган.

Хоразмлик Марям Султонмуродова олий маълумотли ўқитувчи бўлган. Маърифатпарвар Мулла Жуманиёз оиласида дунёга келган. НКВД ходимлари томонидан 1937 йил 15 сентябрда ҳибсга олинган. Ўзи буни шундай изоҳлаган: “1937 йилги терговдаги кўрсатмаларни тасдиқламайман. Шахсан ўзим бундай кўрсатма бермаганман. Мени тергов қилган чоғларида қайдномага имзо чекишга мажбур қилдилар. Лекин унда нима ёзилганлигини ўқимаганман, ўқишга беришмаган ҳам. Бу ҳужжатларнинг мазмуни билан танишишга ихтиёр билдирганимда, “болангни олиб қўямиз”, деб қўрқитишди...”

1939 йилда Марям Султонмуродовага ўн йиллик қамоқ жазоси тайинланди. Жазони аввалига Тошкент, кейин Қозон ва Москва яқинидаги Суздаль турмаларида ўтаган. Ундан сўнг Узоқ Шарққа юборилиб, қурилишда ишлатилган. Марям Султонмуродова қамокни тугатиб чиққан ҳам 1949 йилда яна қамоққа олинади. Бу сарфар у Берлиндалиги вақтида у ердаги қандайдир гуруҳлар билан алоқада бўлгани, дугонаси Хайринисо Маждидхонова билан Парижга бурганида Мустафо Чўқаев билан учрашгани, Тошкентда ишлаганида матбуотда миллатчилик ғояларини тарғиб қилгани, германиялик профессор Энгеланд билан жосуслик мақсадида алоқа ўрнатгани каби “айблар” юзасидан сўрок қилинади.

Марям Султонмуродова шубҳа ва гумонлардан тамомил қутула олмагани ҳақида шикоят ёзган: “1937 йилда НКВД томонидан ҳибсга олиндим. Ватан хоини сифатида айбдор деб топилдим. 10 йилгача озодликдан маҳрум этилдим. 5 йил муддатга ҳуқуқлардан маҳрум қилиндим. 1947 йилда жазо муддатини ўтаб, уйга қайтдим. 1949 йилда яна шу иш бўйича ҳибсга олиндим. Красноярск ўлкасига сургун қилиндим. Мен виждонимда аксиланқилобий ҳаракатга эга бўлмаганим учун ўзимни яратилган шароитларнинг қурбони деб биламан...”

Нихоят 1957 йил 2 августда бўлиб ўтган судда унинг ҳаракатида жиноят йўқлиги исботланган. Марям бу ахрим билан икки ойдан кейингина, 1957 йил 14 октябрда таништирилади.

Уша даврдаги қатагончилик сўрасидан халқимизнинг бирор қатлами омон қолмаган. Қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва номини оқлаш мақсадида турли вазирлик, идора ҳамда

ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ўтган йилда Бош прокуратура билан имзоланган меморандум доирасида қатагонга учраган прокуратура ходимларига бағишланган “Тарихий хотира бекиёс” номли китобнинг 1 ва 2-жилдлари, “Муҳаммаджон Мўминов — ўзбек замонавий ҳуқуқшунослигининг асосчиси” номли китоб тайёрланди ва нашр этилди. Ички ишлар вазирлиги билан бирга қатагонга учраган соҳа ходимларига бағишланган “Тарих: хотира, ҳулоса ва сабоқлар” китоби, Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда “Ҳарбий ҳадиждлар хотираси барҳаёт” китоби, шунингдек, республика Олий суди тақлифига биноан “Ўзбекистон Олий суди” номли китоблар нашр этилди. Шу орқали мазкур идораларда ҳам виждонли, ватанпарвар, ҳақиқат йўлини тутган, ҳалол ва жасур ходимлар бўлгани, охириқабат улар ҳам қатагон қурбонига айланганликлари жамоатчиликка исботлаб берилди.

Музей мутасаддилари томонидан Бош прокуратура ва Олий судга ёзилган аризалар натижасида Олий суд томонидан 2021 йилдан буйён 1220 нафар қатагон қурбонининг номи оқланди. Улар орасида ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, татар, форс, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, рус ва бошқа миллат вакиллари бор. Оқланганларнинг аксарияти ҳадиждчилик ҳаракати намояндалари экани бежиз эмас. Уша даврда айнан маърифатпарвар, тараққийпарвар, зиёли инсонлар қатагон қилинган. Уларнинг авлодлари топилишида давлат музейи ҳамда ҳудудий Қатагон қурбонлари хотираси музейлари томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тadbирлари, илмий анжуманлар, хотира кечалари, илмий жамоатчилигимиз томонидан эълон қилинаётган мақолалар, нашр этилаётган китоблар алоҳида аҳамиятга эга.

Тарихий хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Музей ҳамда ҳудудий музейларнинг асосий вазифаси ташрифчиларнинг тарих билан таништириш, қатагон қурбонларини ёд олиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдир. Юртимизда тинчлик ва оқошталлик баробарида халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқиб, инсон хотираси ва қадриятини шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқдир.

Албатта, қирғин-қатагонлар, алдов-бўхтонлар, қамоқ ва зулмларга гирифторм бўлган 1937 йил турналари ўзининг катта талафоти, қурбонлари билан ёдимизда қолди. Ўз юртидан эрта кетган турналар қайтмайди, аммо уларнинг жасорати қалбимизда абадий яшайди. Уларга ўрнатилган рамзий ёдгорликлар тинч, осуда ҳаёт қадрига етишга, Ватанин севшига, тинчлигини асрашга чорлаб туради.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори.



Енгил атлетика: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА КИМЛАР БОРАДИ?

13 — 21 сентябрь кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Йирик мусобақада иштирок этиш учун турли саралаш босқичлари якунланиб, унда қатнашадиган спортчилар номи маълум бўлди. Унга қўра, Ўзбекистон терма жамоасининг 5 нафар аъзоси ўз йўналишида кучлилар қаторидан жой олди ҳамда бўлажак дунё биринчилигида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Хусусан, марафон дастурида Ш. Давлатов, баландликка сакрашда С. Саъдуллаева, узунликка сакраш баҳсларида А. Анваров, уч хатлаб сакрашда Ш. Давронова ва ядро улоқтиришда М. Насриддинова каби тажрибали енгил атлетикачиларимиз совринли ўринлар учун кураш олиб боради.



Дзюдо: ЎСМИРЛАРИМИЗДА ҲОЗИРЧА 3 ТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Болгариянинг София шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати давом этмоқда.



Унда қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг илк кундаёқ 3 та олтин медални қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, Дилафрўз Болтабоева Дибра Келдиёрова (2015 йил) ва Барчиной Қодирова (2022 йил)дан кейин мазкур ёш тоифасидаги дунё биринчилигида галаба қозонган

Ўзбекистонлик учинчи дзюдочи қизга айланди.

50 килограммгача вазнда татамига чиққан Хушнуд Султонов финалда бразилиялик Артур Мелони таслим этди ва делегациямиз ҳисобига иккинчи олтин медални келтирди. Хушнудбек Бурхонов (-55 кг.) эса мусобақада биринчи ўрин учун кечган беллашувада 19 сониядаёқ италиялик Маттео Гуаландини иппон баҳоси эвазига мағлуб қилди.

Футбол: «САФА NATIONS CUP — 2025» МУСОБАҚАСИ БОШЛАНМОҚДА

30 август кунин Тошкент ва Душанбе шаҳарларида футбол бўйича “САФА” мусобақаси старт олади. 8 сентябрга қадар давом этадиган халқаро турнирда мезбонлар Ўзбекистон ва Тожикистондан ташқари Эрон, Туркменистон, Қирғизистон, Афғонистон, Ўмон ҳамда Хиндистон миллий терма жамоалари қатнашади.



“А” гуруҳидан ўрин олган бахслар Тошкентдаги “Жар” ва яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган “Олимпия” стадионида бўлиб ўтади. Темур Кападзе мураббийлигидаги футболчиларимиз 30 август кунин Ўмон, 2 сентябрда Туркменистон ҳамда 5 сентябрь санасида Қирғиз Республикаси вакиллари қарши яшил майдонда саф тартади. Икки гуруҳ голиби ўртасидаги финал учрашуви 8 сентябрга белгиланган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Мустақиллик байрами муносабати билан маданий мерос объектларига кириш учун чегирмалар жорий этилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



ISSN 2010-6784
472030 678004

Таҳририятга келган кўлёрзмалар тақриз қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди.
Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6